

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

## **332** Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 июндаги 209-сон «Олий таълим муассасаларига кириш тест синовларига тайёргарлик жараёни оптималлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 4 февралдаги 01-02/3-07-сон қарори (рўйхат рақами 2659, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш,  
2016 йил 4 июль,  
01-02/13-55-сон

**27 (735)-сон**

**— 13 —**

**332-333-моддалар**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил  
4 июлдаги 01-02/13-55-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 38-банддаги «июнь ойида» деган сўзлар «25 июнга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 48-банддаги «30 июнига қадар» деган сўзлар «25 июнига қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 53-банддаги «15 июлда» деган сўзлар «10 июлда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.